

Қабр азобидан асра!

07:53 / 28.05.2020 3638

Абу Бакра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз сўнгида:

رَبِّ قَلْبِ ادْعَوْ رُقَّ فَلَ اَوْ رَفُكُلَا نَمَّ كَبُ ذُوْعَ اِيْنِي مُهَلَلَا

«**Аллоҳумма инний аъзузу бика минал куфри вал фақри ва ъзабил қобр**», деб айтар эдилар.

Маъноси: Аллоҳим, куфрдан, камбағалликдан ва қабр азобидан Сендан паноҳ тилайман.

Ибн Сунний ривоятлари.

Фазола ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон сизлардан бирингиз намоз ўқиса, Аллоҳга ҳамд ва сано айтиш билан бошласин. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтиб, сўнгра хоҳлаганича дуо қилсин», дедилар.

Ибн Сунний заиф иснод билан ривоят қилганлар.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан